

Каъбатуллоҳнинг ичини бизга тасвирлаб берсангиз

16:21 / 27.04.2016 4192

Ассалому алайкум ҳурматли Шайх ҳазратлари. Сизга қуйидаги савол билан муроҷат қилмоқчиман.

«Зикр аҳлидан сўранг» ойномангиз сонларидан бирида сизни Каъбатуллоҳни ичига бир неча бор кирганингиз ҳақида ўқиган эдим. Агар мумкин бўлса, Каъбатуллоҳнинг ичини бизга тасвирлаб берсангиз. Айтингчи, унинг ичига кимлар кириши мумкин?

Жавобингиз учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Наманган вилояти, Наманган туманидан Камолиддин.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аввал кирганимда кўрилган ҳолат ва нарсаларни қоғозга тушириб қўйган эдим. Энди аввалда қилинган таъмир ишларидан кейин каъбанинг ички кўриниши ҳақида икки оғиз маълумот бериб ўтишга ижозат бергайсиз.

Каъбаи муаззамага унинг эшигига қўйилган кўчма зина орқали кирилади. Каъбага кириш учун, албатта, подшоҳнинг махсус амри бўлиши керак. Ўша амрга биноан содин-махсус ходим калит билан эшикни очади.

Ҳозиргача Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам берган имтиёзга биноан Усмон ибн Толҳанинг авлодлари содинлик қилиб келишмоқда.

Эшик очилганидан кейин махсус қўйилган аскарлар қуршовидан ўтиб, берилган махсус ҳужжатни кўрсатиб зинага чиқилади ва тилло эшикдан Каъбага кирилади.

Каъбанинг ичига эшикдан бошқа ёқдан ёруғлик тушмайди. Каъбанинг ери мрамр билан қопланган. Шунингдек, деворлари ҳам одам бўйидан баланд жойигача мрамр билан қопланган.

Ҳаммаёққа ўта хушбўй мушку анбарлар суртиб ташланган.

Каъбанинг эшигидан тавоф қилиб юриб келгандаги биринчи бурчаги бир метрдан ортиқроқ чиқиб туради.

Олдинлари аввалги кичик эшик ўша чиқиб турган жойга суялган бўлар эди. Аммо охириги таъмирдан кейин ўша эшик кўринмай қолди.

Каъбанинг эшигига кўндаланг равишда бир тўсини бўлиб, уни учта устун кўтариб туради.

Устунлар наршинкор қилиб ишланган. Тўсинга баъзи эски қандиллар осиб қўйилган. Икки устуннинг орасида бир сандиқ ҳам бўлиб, унга Каъбани тозалашда ишлатиладиган анжомлар жойланган.

Каъбанинг шифти ва ён деворларининг одам бўйидан баланд жойи «Лаа илаҳа иллаллоҳу» ёзилган яшил рангдаги ипак мато ила қопланган. Каъбанинг ичига кириш бахтига муяссар бўлганлар хохлаган тарафга қараб икки ракат намоз ўқиб дуо қилишга шошиладилар. Аскарлар ва масъуллар чиқишни талаб қилишларига қарамай ҳамма кўпроқ намоз ўқиганга ҳаракат қилади. Валлоҳу аълам.